

Рамазон рўзаси

﴿صيام رمضان﴾

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

Абдулқаюм Абдулғаффархон ўғли

Муҳаррир: Шамсиддин Даргомий

2010 – 1431

Islamhouse.com

﴿صيام رمضان﴾

[الأوزبكي - Uzbek - Ўзбекча]

عبد القيوم بن عبد الغفار خان

محرر: شمس الدين درغامي

2010 – 1431

Islamhouse.com

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Рўза

Улуғ рўза ибодати ҳижратнинг иккинчи йили фарз қилинди. Рўзанинг фарзлиги Қуръон, суннат ва ижмо билан собит бўлган. Рўзанинг фарзлиги ушбу: *«Эй мўминлар тақволи кишилар бўлишларингиз учун сизлардан илғари ўтган қавмларга фарз қилингани каби, сизларга санокли кунлар рўзасини тутиш фарз қилинди»* ояти каримаси билан фарз қилингандир: (Бақара 183).

Рўзанинг фарзлиги бобида имом Бухорий ҳазратлари ушбу Абу Хурайра رضي الله عنه ривоятини келтирганлар. Абу Хурайра розиёллоҳк анҳу айтдилар: бир аъробий жаноб Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم ҳузурига келиб: эй Муҳаммад, менга жаннатга киргизадиган бир амални кўрсатингиз! – деди. Шунда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم у кишига: "Оллоҳга бирон нарсани шерик қилмасдан ибодат қилинг, фарз (қилинган) намозни тўкис адо этинг, фарз (қилинган) закотни ато қилинг ва Рамазон рўзасини тутинг!" – дедилар. Аъробий киши: жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, фақат мана шу айтганларингизни бажараман, деб ортига бурилиб кетди. Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم: *"Кимни аҳли жаннатдан бир кишига қараш қувонтирса, мана шу кишига қарасин!"*, дедилар. (Бухорий 1397).

Имом Насоий ва Байҳақий ривоят қилган ҳадисда ҳазрат Пайғамбаримиз алайҳис-салом: "Сизларга Рамазон ойи келди. Рўзаси фарз қилинган муборак ой келди. Бу ойда осмон эшиклари очилади, дўзах эшиклари бекилади.

Бу ойда катта шайтонлар занжирбанд қилинади. Бу ойда минг ойдан яхши кеча бордир. У кеча яхшилигидан маҳрум бўлган батаҳқиқ маҳрум бўлибдир", деб марҳамат қилганлар. (Силсилатул-саҳиҳа 999).

Муборак Рамазон ойида - Ислом динининг асосларидан бири бўлмиш- рўза тутиш ҳар бир мусулмонга фарздир. Бу ойда тутиладиган рўза илгири қавмларга ҳам фарз қилинган бўлиб, бу муборак ой мисли кўрилмаган тоат – ибодатларни ўз ичига олган ойдир Муборак Рамазон ойи - тақво ойдир. Бу ой ўзига хос олий фазилатларга эгадир. Бу ой ўзаро ёрдам ва кўмак ойдир. Бу ой одоб-ахлоқ ва ибодат ойдир. Айнан рўза тутиб, У зотга тақарруб бажо қилган зотларни тақводорлар деб номлашининг боиси: рўза махфий ибодатдир. Шу боис, ҳадисул қудусийда Оллоҳ таоло Рўза савобини Ўзи беришини хабар берди: "Одам боласининг рўзадан ташқари барча амали ўзи учундир. Рўза эса Мен учундир. Ва унинг мукофотини Ўзим берурман".

Ҳазрат Росулulloҳ ﷺ айтдилар: *"Бирларингиз рўза тутган кунда ёмон-ножуха сўзламасин, бақириб-чақирмасин, мабодо у билан бирон киши жанжаллашса ёки уни ҳақоратласа, мен рўзадорман, рўза тутганман деб жавоб берсин! Муҳаммаднинг жони унинг қўлида бўлган зотга қасамки, рўзадор оғзида ўзгарган ҳид Оллоҳ ҳузурида мушки-анбардан кўра хушбўйроқдир. Рўзадорнинг икки шодлиги бўлиб, бири: ифторлик қилган вақтида, яна бири: Парвардигорига йўлиққан вақтидадир".* (Бухорий 1904).

Бошқа бир ривоятда айнан рўза ибодатининг мукофотини Оллоҳ ўзим бераман, деб хослашининг сабаби кўрсатилди. Пайғамбар ﷺ айтдилар: "Рўза кўрғондир. Бас, (рўзадор) ножўя сўзламасин, нодонлик қилмасин! Агар бирор киши у билан жанжаллашса ёки уни ҳақоратласа, мен рўзадорман, рўза тутганман десин! Жоним унинг қўлида бўлган зотга қасамки, рўзадор оғзида ўзгарган ҳид Оллоҳ наздида мушки-анбарданда хушбўйроқдир. (Оллоҳ таоло дейди): рўзадор таомини, шаробини ва шаҳватини Мен учун тарк этади. Зотан, рўза Мен учундир, бинобарин рўза мукофотини ҳам Ўзим берурман. Ҳасанотлар эса ўн баробарида бўлур". (Бухорий 1894).

* * *

Рўза фазилатлари

Дарҳақиқат, рўза: Оллоҳ таоло яхши кўрган, серфазилат, улуғ ибодатлардан биридир. Рўза фазилатли ва бисёр хусусиятга эга ибодатдир. Кези келганда рўза фазилатларининг баъзиси билан танишамиз.

Рўзанинг фазилати ва хусусиятларидан бири: рўза ибодати рўзадордан сабрни талаб қилади. Савоб умидида тутилган рўзанинг ажру савоби каттадир.

Тақво ва ажр-савоб умидида тутилган рўза рўзадорни Пайғамбаримиз хабар берганларидек барча гуноҳ ва хатолардан сақловчи қурғондир. Рўза тақвони талаб қиладиган, Оллоҳ билан бандаси орасидаги сир бўлган улуғ ибодатдир. Шу боисдан у қурғонга ўхшатилади. Пайғамбар ﷺ айтдилар: *"Рўза кўрғондир. Бас, (рўзадор) ножўя сўзламасин, нодонлик қилмасин! Агар биронта у билан жанжаллашса ёки уни ҳақоратласа, мен рўзадорман, рўза тутганман десин! Жоним унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, рўзадор оғзида ўзгарган ҳид Оллоҳ наздида мушки-анбар ҳидидан-да хушбўйроқдир. (Оллоҳ таоло дейди): рўзадор таомини, шаробини ва шаҳватини Мен учун тарк этади. Зотан, рўза Мен учундир, бинобарин рўза мукофотини ҳам Ўзим берурман. Ҳасанотлар эса ўн баробарида бўлур"* (Бухорий 1894).

Рўзанинг фазилати ва хусусиятларидан бири: жаннатда рўзадорларга хос эшик бордир. Рўзадорлар қиёмат куни ана ўша эшиқдан чақирадилар. У эшикнинг номи *"Райён"*дир.

Абу Хурайра ﷺ ривоятида жаноб Росулulloҳ ﷺ бундай марҳамфат қилганлар: *"Кимда ким Оллоҳ йўлида жуфт нарса инфоқ қилса (яъни жуфт от, жуфт туя ва шунга ўхшаш) жаннат эшикларидан; эй Оллоҳнинг бандаси, бу яхши амалдир – деб нидо қилинади.*

Намозхонлар (жаннатнинг) намоз номли эшигидан чақирилади. Жиҳод аҳли жиҳод номли эшигидан чақирилади. Энди ким рўза аҳлидан бўлса, у (жаннатнинг) Райён номли эшигидан чақирилади. Ким садақа аҳлидан бўлса, бас, у садақа эшигидан чақирилуру. Шунда Абу Бакр ас-сиддиқ ﷺ: ота онам фидоингиз бўлсин, эй Росулulloҳ! Мазкур эшикларнинг барчасидан чақирилиш учун нима амаллар қилиш керак? Ўзи бирон киши ўша эшикларнинг барчасидан чақириладими? – дедилар. Жаноб Росулulloҳ ﷺ: "Албатта, сизнинг ҳам ўшалар орасида бўлишингизни умид қиламан", деб жавоб бердилар. (Бухорий 1897).

Рўзанинг фазилати ва хусусиятларидан бири:

Рамазон рўзасини иймон билан, ажри-савоб умидида тутган кишининг рўзаси ўтган гуноҳларига каффорат бўлади.

Улуғ рўза ибодати ҳам бошқа ибодатлар сингари ният ва холисликни тақозо қилади. Рўзани хўжа кўрсин учун эмас, балки Оллоҳ ризосини талаб этган ҳолда иймон билан тутадиган кишиларнинг ўтган гуноҳлари рўза сабабли мағфират этилиши ҳақида жаноб Росулulloҳ ﷺ шундай марҳамат қилганлар: *"Кимда ким Рамазон*

(рўзасини) иймон-эътиқод билан ажри-савоб умидида тутса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинур". (Бухорий 1899).

Рўзанинг фазилати ва хусусиятларидан бири: бу улуғ ибодатнинг жамият бирдамлигини сақловчи омилдир.

Рамазон ойида рўза тутишга қодир бўлмаган касал, кекса, ақли хаста ва шунга ўхшаш баъзи бир рўза тутишдан истисно қилинган шахслардан ташқари барча мусулмонлар рўза тутмоқликлари фарзи айнди.

Рўза таърифида уломаларимиз: Рўза тонг вақтидан то кун ботгунгача ейиш-ичиш, ножўя сўзлар ва шахвоний ишлардан тийилмоқликдир, деганлар.

Аммо шуни унутмаслик керакки, ният билан, ажри-савоб умидида тутилган рўза, шаръий рўза ҳисобланади.

Муборак Рамазон ойида рўзадор ҳар бир мусулмон очлик ва ташналикнинг фарқига етади. Ҳаётида кўп ҳам очлик ва чанқоқлик нелигини билмаган қорни тўқ, бойлар ато этган чексиз неъматлари учун Оллоҳ таолога шукр бажо келтирадилар. Айни чоқда очлик ва чанқоқликни бошидан кечирган рўзадор бой қалбида фақир камбағал мусулмон диндошларига нисбатан раҳм шафқат уйғонади. Натижада бой ва камбағаллар ўртасида бирдамлик юзага келади. Ўзига тўқ ҳар бир мусулмон рўзадор биродарларига ифторлик беришга шошилади. Бу муборак ойда тарқоқлик ўрнини бирдамлик, нафрат ўрнини муҳаббат эгаллайди. Бу нарса кейинги Рамазонгача ҳам давом этади.

Рўзанинг фазилати ва хусусиятларидан бири:

Рамозон оии одоб-ахлоқ ойидир.

Рамозон рўзасини тутган ҳар бир мусулмондан, рўзаси Оллоҳ даргоҳида тўкис мақбул бўлишлиги учун бир неча шартлар талаб қилинади. Ана шундай муҳим шартлардан бири: рўзадор ёлғон гапириш ва унга амал қилишдан тийилиши лозимлигидир.

Рўза тутиб ёлғон гапиришдан тийилмаган ёки ўзини муборак тарбия ойида йўлга солиб ололмаган киши рўза савобидан маҳрумдир. Шу боис, умматига мушфиқ Росул Акрам ﷺ умматини билиб билмай рўза ойида ёлғон сўзлашдан огоҳлантирганлар. Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоятида жаноб Росулulloҳ ﷺ рўза тута туриб, ёлғон сўзлаш – ёлғон гувоҳлик бериш ва тухматдан ўзини тиймаган киши рўзасида Оллоҳ таолога ҳеч бир ҳожат йўқлиги ҳақида шундай деганлар: *"Кимда ким ёлғон сўзлаш, унга амал қилишни ва жоҳилликни тарк этмас экан, бас, унинг таоми ва шаробини тарк этишининг (яъни рўза тутмоғининг) Оллоҳга кераги йўқдир"*. (Бухорий 6057).


Бу каби олий тарбия оғушида рўза тутган ҳар бир инсонни, бир сўз билан ҳақиқий бахтли инсон десак муболаға қилган бўлмаймиз. Зеро бу тарбиялар ҳаводан сўзламайдиган Пайғамбар сўзлари-ваҳийнинг бир қисмидир.

Рўза оятини тафсири

﴿أَجَلٌ لَّكُمْ لَيْلَةَ الصِّيَامِ الرَّفَثُ إِلَىٰ نِسَائِكُمْ ۚ هُنَّ لِبَاسٌ لَّكُمْ وَأَنْتُمْ لِبَاسٌ
لَّهُنَّ ۗ عَلِمَ اللَّهُ أَنَّكُمْ كُنْتُمْ تَخْتَانُونَ أَنْفُسَكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ وَعَفَا
عَنْكُمْ ۗ فَالَّذِينَ بَشِرُوا هُنَّ وَأَبْتَعُوا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَكُمْ ۖ وَكُلُوا وَاشْرَبُوا حَتَّىٰ يَبَيِّنَ لَكُمْ
الْحَيْطُ الْأَبْيَضُ مِنَ الْحَيْطِ الْأَسْوَدِ مِنَ الْفَجْرِ ۗ ثُمَّ أَتَمُوا الصِّيَامَ إِلَىٰ اللَّيْلِ ۗ وَلَا
تُبَشِّرُوهُمْ ۖ وَأَنْتُمْ عَنكِفُونَ فِي الْمَسَاجِدِ ۗ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ ۗ فَلَا تَقْرُبُوهَا ۗ كَذَلِكَ
يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمُ آيَاتِهِ ۗ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ ﴿۱۸۷﴾ البقرة: ۱۸۷

﴿Эй мўминлар тақволи кишилар бўлишларингиз учун сизлардан илгарги ўтган қаёмларга фарз қилингани каби сизларга саноқли кунлар рўзасини тутиш фарз қилинди. Энди сизлардан бирор киши хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саноғини бошқа кунларда тутати. (Кексалик ёки заифлиги сабабли) рўза тутишга қийналадиган кишилар бир мискин бечоранинг бир кунлик таоми миқдориди эваз тўлашлари лозим. Бас, ким ўз ихтиёри билан зиёда яхшилик қилса (лозим бўлганидан ортиқроқ эваз тўласа) ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутишингиз ўзингиз учун (эваз бериш ёки ҳатто узрли ҳолатда рўза тутмасликка насбатан) яхшироқдир. (У саноқли кунлар) Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб ва ҳидоят ва Фурқон

(ҳақ билан ботилни ажратувчи) нинг очиқ оятлари бўлиб Қуръон нозил қилинган. Бас, сизлардан бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин. Ва ким хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда (тузалгач ёки сафардан қайтгач) тутати. Оллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишни истамайди. Бу санокни тўлдиришингиз ва ҳидоят қилгани сабабли Оллоҳни улуғлашингиз учундир. Шояд шукр қилсангиз. Бандалари сиздан (эй Муҳаммад) Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуоғўйларнинг дуосини ижобат қиламан. Бас, ҳақ йўлга юришлари учун (улар ҳам) Менинг даъватимга жавоб қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар. Сизларга рўза кечаларида хотинларингизга қўшилиш ҳалол қилинди. Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз. Оллоҳ сизлар ўзларингизга хиёнат қилаётганларингизни билиб, тавбаларингизни қабул қилди ва сизларни авф этди. Энди улар билан (рўза кечаларида бемалол) қовушингиз ва Оллоҳ сизлар учун ёзган нарсани (фарзандни) талаб қилингиз! Ва тонгдан оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар. Сўнгга кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар! Масжидларда эътикофда бўлган чоғингизда (кечалари ҳам) улар (хотинларингиз) билан қўшилмангиз! Булар Оллоҳнинг чегараларидир. Бас, уларга яқинлашмангиз! Одамлар ҳаром ишлардан сақланишлари учун Оллоҳ Ўз оятларини мана шундай очиқ-ойдин баён қилади ﴿ (Бақара 183-187).

Мазкур ояти карималарда Оллоҳ таоло бандалари зиммасида бир йилда бир ой Рамазон рўзаси фарз эканлигини тайин қилиб, айна пайтда муборак Рамазон рўзаси инсон ислоҳоти учун энг муҳим омиллардан бири эканлигини таъкидламоқда. Бу эса ўз-ўзидан Ислом динида инсон ислоҳоти нечоғлик муҳим эканлигини билдиради. Бу ислоҳот йўлини мўмин бандалари яхшилаб тушуниб олиб, ўзгаларга ибрат бўлишга чақириб, уларга иймон васфи билан нидо қилиб рўза ибодати иймондан эканлигини уқтирмоқда. Абдуллоҳ ибн Аббос : *Агар Оллоҳ таоло эй мўминлар-деб нидо қилса, унга қулоқ осингиз! Чунки у ё бирор ибодатга буюриш ёки бирор нарсадан қайтариш бўлади, деганлар.*

Шунингдек, бу ояти-карималарда рўза ибодати ўтган пайғамбарлар қавмига ҳам фарз қилинганлиги зикр этилмоқдаки, бунда бир тамондан рўза ўтган умматларга манфаатли бўлганидек, ислом уммати учун ҳам манфаатли эканлиги таъкидланган бўлса, яна бир тамондан уммати Муҳаммадияга сизлар рўзани тўқис тутиш ва рўза ажри - савобларига тўлиқ эришишда ўтган умматлардан албатта ўзиб кетасизлар, деган билдириш ҳам бордир.

Худди шундай Рамазон рўзаси саноқли кунлар бўлишига қарамасдан, саноқли кунлар рўзасини иймон ва Оллоҳдан ажр-савоб умидида тутган зотларни ҳам ахлоқан, ҳам маънан юксак мақомга-тақво мақомига етказувчи омилдир. Зотан таому шаробини ҳамда ҳалол хотинига қовушишни рўза кунларида фақат Оллоҳ ризоси

учун тарк этиш ҳақиқатда инсондан катта тақвони талаб қилади.

Оллоҳ таоло бандаларига ҳеч бир нарсада танглик ва кийинчиликни раво кўрмаганидек, Рўза ибодатини ҳам улар учун қўлай қилиб, унинг саноғини ўттиз кундан оширмади. Ва буни *«сизларга саноқли кунлар рўзасини тутиш фарз қилинди»* -деган сўзи билан фарз рўзанинг бир ойдан зиёда эмаслиги ҳамда саноқли кунлар рўзасини тутиш энгиллигини таъкидлади.

Ислом дини аҳкомларига инсоф билан назар қилган ҳар бир инсон бу диннинг ҳақиқатда ҳамма замон ва маконга муносиб, оммабоп самовий дин эканлига гувоҳ бўлади. Мисол учун Рамазон рўзасини тутишда ҳам истисно ҳолатлари мавжуддир. Рамазон рўзаси истисносиз барча ҳоллар ва кишилар учун эмас, балки рўзага ярамайдиган хаста ёки мусофирлар учун рўза тутмасликка рухсат борлиги ва айни чоғда кексалик ёки заифликка ўхшаш узрлилар рўза ўрнига нима қилиши керак. Буни баёнида Оллоҳ таоло бундай деди: *«Энди сизлардан бирор киши хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саноғини бошқа кунларда тутати. (Кексалик ёки заифлиги сабабли) рўза тутишга қийналадиган кишилар бир мискин бечоранинг бир кунлик таоми миқдорида эваз тўлашлари лозим. Бас, ким ўз ихтиёри билан зиёда яхшилик қилса (лозим бўлганидан ортиқроқ эваз тўласа) ўзига яхши»*.

Рамазон ойида Қуръон дунё осмонига тушурилганлиги ва бу ойда ибодатлари минг ой ибодатидан-да афзал кеча-



Қадр кечаси борлиги таъкидланган: *﴿(У саноқли кунлар) Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб ва ҳидоят ва Фурқон (ҳақ билан ботилни ажратувчи) нинг очик оятлари бўлиб Қуръон нозил қилинган﴾*.


﴿Бас, сизлардан бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин. Ва ким хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саноғини бошқа кунларда (тузалгач ёки сафардан қайтгач) тутади. Оллоҳ сизларга енгиликни истайди, сизларга оғир бўлишни истамайди. Бу саноқни тўлдиришингиз ва ҳидоят қилгани сабабли Оллоҳни улуғлашингиз учундир﴾ оятларида муқим ва соғлом мусулмонлар учун Рамазон рўзасини тутмасликларига ҳеч қандай йўл йўқлиги ҳамда шаръий узрсиз Рамазон рўзасини ҳохлаган вақтда бузиб, рўза тутмаслик нодуруст эканлиги билдирилмоқда.

Рамазон ойида кундузлари соим, тунлари қоим бўлган иймонли дуогўйлар дуосини Оллоҳ таоло албатта қабул қилади. Дуодан ташқари ҳамма масалаларга: Оллоҳ таоло: айтинг эй Муҳаммад, деб кейин ўша сўралган масалалар жавоби бериларди. Аммо дуода айтинг калимаси келмади: *﴿Бандаларим сиздан (эй Муҳаммад) Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижобат қиламан. Бас, ҳақ йўлга юришлари учун (улар ҳам) Менинг даъватимга жавоб қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар﴾*.

Бандаларим менинг холиқлик ва бирлик сифатларимга иймон келтирганлари каби улуҳият сифатларимга ҳам

иймон келтирмоқлари, яъни барча ибодатларни фақат менинг ўзимгагина қилишлари шартдир демоқда.

Рамазон рўзаси фарз қилинган даврнинг аввалида рўзадор ифторлик ҳозир бўлгач ифторлик қилмасдан ўхлаб қоладиган бўлса, у то кейинги кун ифторлигигача ейиш-ечиш ва хотинига яқинлик қилишдан ман қилинарди. Лекин инсоний ғариза сабабли баъзилар ўзлари истамаган ҳолда бу удумни бузарди. Қайс ибн Сорма ал-Ансорий  бир кун ифторлик вақти келиб хотинидан бирон егулик борми? –деб сўрадилар. Хотини: йўқ, бироқ ҳозир кўни-қўшнидан бирон егулик келтираман, деб уйдан чиқиб кетади. Кундузи ишлаб ҳориган Қайс  га кўзи ғолиб келиб, ухлаб қолади. Ифторлик вақти бирон нарса тамадди қилмасдан кейинги кун рўзасини тутаётган Қайс пешинга етмай, ҳушидан кетиб йиқилди. *«Сизларга рўза кечаларида хотинларингизга қўшилиш ҳалол қилинди. Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз. Оллоҳ сизлар ўзларингга хиёнат қилаётганларингизни билиб, тавбаларингизни қабул қилди ва сизларни авф этди. Энди улар билан (рўза кечаларида бемалол) қовушингиз ва Оллоҳ сизлар учун ёзган нарсани (фарзандни) талаб қилингиз!»* -ояти каримасининг сабаби нузули ҳам айнан шундай ҳодисалар бўлди.

Жаноб Росул Акрам  дан саҳобалар бирор бир нарса хусусида ҳукм сўрасалар ваҳий нозил қилинишини кутар эдилар. Саҳобаи киромлар тушунмаган оятлар маъносини ҳадис орқали тушуниб олардилар. *«Ва тонгдан оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар»* - илк нозил бўлганда баъзи саҳобаларда ушбу оят маъносини

тушунмасдан оёқларига бир қатим оқ ип, бир қатим қора ип боғлаб, шу тариқа тонг ёришганини билмоқчи бўлганлари ҳам учради. Аммо бу ижтиҳод хато эди. Бу хатога Росул Акрам ﷺ бундан мақсад: тун қорунғулиги билан тонг ёруғидир, деб ойдинлик киритдилар.

* * *

Рўзанинг суннат ва одоблари

Рўза суннатлари ва одобларидан бири: оғиз очмасдан узлуксиз бир неча кун рўза тутишдан қайтарилди.

Узлуксиз ифторлик қилмасдан бир неча кун рўза тутиш кўпчилик рўзадорларни ҳолдан тойдиради. Шариатдаги беш фарз аҳкомлар барчага бирдек фарздир. Бинобарин Рамазон рўзасини ифторликсиз-узлуксиз тутишдан ман этилди.

Имом Бухорий ривоятида Абдуллоҳ ибн Умар رضي الله عنه бу борада шундай деганлар: Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم рўзани узлуксиз (бир неча кун ифторлик қилмасдан) тутган эдилар, одамлар ҳам кунни-кунга улаб рўза тутдилар. Бироқ, (бир неча кун) узлуксиз рўза тутиш саҳобаларга машаққатли кечгач, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم (бундан) қайтардилар. Улар: ахир сиз (бир неча кун) тўхтовсиз рўза тутаяпсиз-ку? –дедилар. Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم уларга: *"Менинг (ҳолатим) сизларники каби эмас, дарҳақиқат мен (Парвардигорим тамонидан) таомлантирилиб ва суғорилиб турурман"*-деб жавоб бердилар. (Бухорий 1922).

Рўза суннатлари ва одобларидан бири: шом азони айтилиши ёки кун ботиши биланоқ дарҳол ифторлик қилишга шошилмоқ.

Баъзан айримларнинг шом азони чақирилиб, кун ботгандан кейин ҳам намоздан сўнг ифторлик қиламан,

деб ўзи билмаган ҳолда хилофи суннат қилганларни учратамиз. Ҳолбуки суннат ифторлик қилишга шошилишдадир. Саҳл бин Саъд رضي الله عنه ривоятида жаноб Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم: *"Одамлар яхшиликда бўлурлар, мадомики ифторликни тезлатсалар"*, деганлар. (Бухорий 1957).

Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоятида Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم айтади, Оллоҳ таоло дейди: *"Бандаларимдан Менга энг суюқлиси ифторлигини тезлатганидир"*.

Ифторликни намози шомдан кейингача кечиктириш яҳудий ва насоролар феълидир. Улар то осмонда юлдузни кўрмагунча ифторлик қилмас эдилар.

Рўза суннатлари ва одобларидан бири: саҳарликни бомдодга яқин-саҳар вақтида ейишдир.

Суннат кун ботиши билан ифторлик ва тонг саҳарда, бомдод намозига яқин саҳарлик қилишдир. Имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳ ривоятида жаноб Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم: *"Умматим яхшиликда бўлади, мадомики улар саҳарликни кечиктириб, ифторликни тезлатсалар"* –деганлар. (Муснад).

Саҳарликнинг бомдод намозига 20-25 дақиқа қолганда ейилиши суннатга мувофиқдир. Анас رضي الله عنه ривоятида Зайд бинни Собит رضي الله عنه дан: *Биз Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم билан бирга саҳарлик қилдик, кейин у зот намозга турдилар. Анас رضي الله عنه Зайд رضي الله عنه дан: Азон билан саҳарлик орасида қанча вақт бор эди? –деб сўрадилар. Зайд رضي الله عنه: эллик оят (ўқийдиган) миқдор эди, дедилар.* (Бухорий 1921).

Саҳарлик рўзадорлар учун кейинги кун қувватини берадиган барака эканлиги тўғрисида жаноб Росулulloҳ ﷺ: *"Саҳарлик қилингалар! Чунки саҳарликда барака бордир"*-деб марҳамат қилганлар. (Бухорий 1923).

Рўза суннатлари ва одобларидан бири: Ифторлик вақтида қилинадиган дуодир.

Дуо мустажоб, муборак вақтлардан бири: ифторлик вақтидир. Шунинг учун ифторликгача рўзадорнинг дуода бўлиши ҳамда рўзасини маъсур дуолар билан очиши суннат ҳисобланади. Пайғамбар ﷺ дан оғиз очишдан олдин бир қанча дуолар ворид бўлган. Ана шу дуолар жумласидан: "ذهب الظمأ وابتلت العروق وثبت الأجر إن شاء الله", маъноси: *"Чанқоқлик кетиб, томирлар ҳулланди ва ажр ҳам собит бўлди, иншаоллоҳ"*-деган дуодир.

Рўза суннатлари ва одобларидан бири: оғизни "Рутоб"-хул хурмо ёки сув билан очишдир.

Анасؓ дан Пайғамбар ﷺ (шом) намозини ўқишдан олдин, рутоб хўл хурмо билан ифторлик қилар эдилар. Агар рутоб – хўл хурмо топилмаса, қуриқ хурмо билан ифторлик қилар эдилар. Агар қуриқ хурмо ҳам топилмаса, у ҳолда бир неча қултум сув симирар эдилар-деганларини имом Аҳмад, Абу Довуд ва Термизийлар ривоят қилганлар.

Имом Шавканий роҳимахуллоҳ "Найлул автор" китобида Салмон ибн Омир Зоббий ривоятида Пайғамбар ﷺ нинг: *"Бирларингиз ифторлик қилмоқчи бўлса, хурмо билан*

ифторлик қилсин! Агар хурмо бўлмаса сув билан ифторлик қилсин! Чунки сув покдир" - деганларини ҳамда мазкур ҳадисларда зикр қилинган хурмо билан оғиз очишнинг афзаллиги ва хурмо хусусияти ҳақида уламолар фикрларини қуйидагича келтирганлар: Пайғамбар ﷺ умматини хурмо билан ифторлик қилишларига ундашининг боиси; (хурмодаги) ширинлик рўза сабабли заифлашган кўзларни равшанлантириб, унга қувват бағишлайди. Шунингдек, иймонга муносиб ширинлик қалбни юмшатади. (Найлул автор 4/220).

Дарҳақиқат ҳозирги илм-фан тараққиёт даврида табиёт илми рўзадорнинг хурмо каби ширинлик билан ифторлик қилишида жисм учун жуда катта фойдалар борлигини тасдиқлади. Табиблар, хурмо кучи баданга санокли диқиқаларда етиб, баданга куч бағишлашини кашф этдилар. Бу суннатда ҳам ақллилар учун ибрат бордир.

* * *

Рўзани бузадиган амаллар

Рўза кунлари рўзага путур етказадиган амалларни билмоқ ҳар бир рўзадор вазифасидир. Чунки кўпчилик ўзлари билмаган ҳолда рўза савобидан маҳрум бўлиб қоладилар. Шу боис, кези келганда рўзани бузадиган амаллардан баъзи бир муҳимларига ишора қилиб ўтамиз.

Рўзани бузадиган амаллардан бири: Рамазон кундузи, тонгдан то шомгача беузр еб ичиш.

Рамазон кунлари еб-ичишга рухсат берилган, рўзадан истисно қилинган тоифалар ҳам бордир. Рамазон кунлари рўза тутмасликка рўза тутишга қийналадиган кексалар, мусофирлар, ҳомиладор ва эмизикли боласи бор аёллар учун рухсат этилади.

Кексалик сабабли рўза тутолмайдиган киши ҳар бир кун рўзасини эвазига бир мискин бечорага таом беради. Тўқсон километрдан узоқ сафарга чиқиб, рўза тутмаган мусофир билан Рамазонда бетоблиги сабабли рўза тутолмаган киши, рўза тутмаган кунлар саноғини Рамазондан кейин тутиб бериши шарт.

Қорнидаги боласига рўза салбий таъсир қилишидан хавфсираб рўза тутмаган ҳомиладор аёл ва эмизикли болали оналар саноғини Рамазондан кейин тутиб берадилар. Оллоҳ таоло айтади: *«Энди сизлардан бирор киши хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саноғини бошқа кунларда тутати. (Кексалик ёки заифлиги сабабли) рўза тутишга қийналадиган кишилар бир мискин бечоранинг бир кунлик*

таоми миқдорида эваз тўлашлари лозим. Бас, ким ўз ихтиёри билан зиёда яхшилик қилса (лозим бўлганидан ортиқроқ эваз тўласа) ўзига яхши».

Анас ибн Молик ал-каъбий ривоятида жаноб Росулulloҳ ﷺ дейдилар: **"Оллоҳ мусофирдан рўзани ҳамда намознинг ярмини соқит қилди. Ҳомиладор ва эмизикли аёлдан эса рўзанигина соқит қилгандир"**.

Рўзани бузадиган амаллардан бири: қасддан қайт қилишдир.

Рамазон кунлари кўнгли айниши сабабли ёки беихтиёр қайт қилган рўзадорнинг рўзаси бузилмайди. Тамоғига бармоғини тикиб, қасддан қайт қилган киши, бу кун қазосини Рамазондан сўнг тутиб бериши вожиб. Абу Хурайра رضي الله عنه бу ҳақда шундай деганлар: Борди-ю (беихтиёр) қайд қилса у ҳолда рўзаси бузилмайди. Чунки у (ошқозонидан) чиқаряпти, (ошқозонига ҳеч бир таом)ни киргизмаяпти". (Бухорий боб 32).

Пайғамбар ﷺ айтдилар: **"беихтиёр қайт қилган киши, (у кун) қазосини тутмайди. Аммо қасддан қайт қилган киши (у кун) қазосини тутсин!"**.

Рўзани бузадиган амаллардан бири: Рамазон кундузида хотинига қўшилиш.

Авалло шуни таъкидламоқ жоизки, Рамазон кундузида жуфти ҳалолига қўшилган рўзадор Рамазон ойини беҳурмат этган ҳисобланади. Қолаверса унинг ўша кунги рўзаси бузилади. Бундай одобсизликка йўл қўйган рўзадор

аввало тавба – таззарруъ қилмоғи даркор. Ундан кейин бу жинойт каффаротини адо этади. Аслида фарз ибодатларни енгил санашлик ва ҳурматини оёқ ости қилиш мўмин хислати эмас. Кези келганда эслатиб ўтганимиз маъқул, баъзи ота-оналарнинг бўйи етган фарзандларини Рамазон ойига оз қолганда уйлантиришлари номаъқул кўринади. Бир-бирига ҳали тўймаган икки ёш нафсларини тия олмасдан Рамазон ҳурматини оёқ ости қилишлари мумкин ва бу ишнинг бир неча бор такрорланиши эҳтимолдан йироқ эмас. Шунга кўра фарзандларини Рамазон ойдан бир ой ёки айнан Рамазон ойида уйлантирган кишилар ҳам Рамазон ҳурматини оёқ ости қилган келин-куёвлар гуноҳига шерик бўлиб қолишлари мумкин.


Рамазонда кундузида хотинига қўшилган кишига вожиб бўлган каффаротлар қуйидагичадир:

Агар бир қул озод қилишга қодир бўлса, бир қул топиб, уни қулликдан озод қилади.

Қул озод қилишга қурби етмаса ёки қул топилмаса, у ҳолда узлуксиз икки ой рўза тутиши шарт.

Бордию кетма-кет икки ой рўза тутишга қийналадиган бўлса, у ҳолда олтмиш мискин-бечорага таом беради.

Рўзани бузадиган амаллардан бири: рўзадор томиридан озуқа бўладиган игна (укол) олишидир.

Абу Ҳурайра  бу ҳақда шундай деганлар: агар қусадиган бўлса рўзаси бузилмайди. Чунки у

(ошқозонидан) чиқаряпди, (ошқозонига ҳеч бир таом) киргизмаяпди". (Бухорий боб 32).

Томирга уриладиган озиқ игналар ошқозонга таом киргандек озиқ бўлади. Шу боис, томирдан олинган игналар сабабли рўза бузилади.

* * *

Қадр кечаси фазилатлари

Муборак Рамазон ойи серфайз ва барокатли ойдир. Бу муборак ойнинг охирги ўн кунда улуғ қадр кечаси яширилгандир. Қадр кечаси нима ва қандай фазилатларга эга эканлигини Оллоҳ жалла-жалалуҳ "Қадр" сурасида баён қилди:

﴿ إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ ﴿١﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا لَيْلَةُ الْقَدْرِ ﴿٢﴾ لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِّنْ أَلْفِ شَهْرٍ ﴿٣﴾ نَزَّلُ الْمَلَائِكَةُ وَالرُّوحُ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِم مِّن كُلِّ أَمْرٍ ﴿٤﴾ سَلَامٌ هِيَ حَتَّىٰ مَطْلَعِ الْفَجْرِ ﴿٥﴾ الْقَدْرِ: ١ - ٥ .

«Албатта Биз У (Қуръонни) қадр кечаси нозил қилдик. (эй Муҳаммад) қадр кечаси нима эканлигини сиз қаердан билар эдингиз. Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир. У (кеча) да фаришталар ва Руҳ (Жаброил عليه السلام) Парварлигорингиз изни-ихтиёри ила (йил давомида қилинадиган) барча амаллар – ишлар билан (осмондан заминга) тушурлар. У кеча то тонг отеунгача тинчлик-омонликдир».

Қадр кечаси Рамазоннинг охирги ўн кунда яширилганлиги учун олийҳиммат зотлар бу муборак кунларда дунё ташвишларига этак қоқиб, тоат ибодатга шўнғидилар. Масжидлар сари йўл оладилар. Эътикофда ўтирадилар.

Қадр кечаси аслида Оллоҳ тамонидан уммати Муҳаммадия учун бир тортиқ мисолидадир. Чунки у кечада адо этилган ибодатлар минг ой ибодатидан, балки минг ойлик жиҳоддан-да афзалроқдир.

Хабарларда келишича Бани Исроил қабиласидан бир киши минг ой Оллоҳ йўлида жиҳод қилган экан. Буни эшитган саҳобалар: қанийди, бизларга ҳам шундай амаллар қилиш муяссар бўлса, деб орзу қилишди. Феълан Оллоҳ таоло бу умматга тилаган орзусини берди. Уларга ибодати минг ой ибодатидан-да яхшироқ кеча - Қадр кечасини инъом этди. Бироқ улар ибодатга янада завқи шавқ билан белбоғлашлари учун қадр кечасини Рамазоннинг охирги ўн кунининг тоқ кечалари ичига яширди.

* * *

Ал-видо эй Рамазон

Ал-видо эй рўза ойи. Ал-видо, эй Қуръон ойи. Ал-видо эй иймон ойи. Ал-видо эй эҳсон ойи.

Ал-видо, эй аввали раҳмат, ўртаси мағфират ва охири дўзах оташидан озод этилиш ойи ал-видо.

Муборак Рамазон ойи билан видолашиш мўмин киши учун жуда оғир кечади. Мўминлар учун Рамазон билан хайрлашишдан кўра аламли дам бўлмаса керак. Дарҳақиқат, бу ой иймон сайқалланадиган, амаллар янгиланадиган ва ҳимматлар юксаладиган улуғ ойдир.

Бу муборак мағфират ойида ўтган гуноҳ ва хатоларга тавба қилинади.

Бу муборак ойда катта шайтонлар занжирбанд қилиниб, жаннат эшиклари ланг очилади.

Рўзадорлар мукофатини Парвардигори оламнинг Ўзи беради. Рўзадор бандасига Оллоҳ билан банда орасида бўлган сир ибодатнинг-рўзанинг ажр-савоби миқдорини бандаларининг ошкораю махфий амаллари бирдек маълум бўлган ёлғиз Оллоҳ тақдирлайди. Оллоҳ таоло дейди: *"Одам боласининг барча амали ўзи учундир. Фақат рўза Мен учундир. Рўзанинг мукофатини ҳам Ўзим берурман"*.

Ибн Ҳажар роҳимаҳуллоҳ ушбу ҳадисул қудсий изоҳида бундай деганлар: Оллоҳ таолонинг: *Рўза мукофотини Ўзим берурман*- деган сўзининг маъноси; "Рўза

мукофатининг миқдорини фақат Мен биламан ва савобини тақдирлай оламан"-деганидир.

Рамазон иймон ойдир. Қалбдаги иймонни намоён этадиган зоҳирий ибодатларнинг султони намоздир. Шу боис, Оллоҳ таоло намозни иймон деб атади. Намозсиз рўза тутиш, бошсиз жасад мисолидир. Шунинг учун рўза тутган киши албатта рўза тутмоғи шарт. Рўза ва бошқа ибодатларнинг қабул қилиниши рўзага боғлиқ. Зеро намоз қабрда илк сўраладиган амалдир. Бу маънони англаб етган рўза тутган ҳар бир шахс иложи борида намозларини жамоатда ўқишга ҳаракат қилади. Таровихларда соатлаб туради. Бунинг ажри савобини ёлғиз Оллоҳдан кўтади.

Рамазон ойида эҳсон даражасига етиб, иймон лаззатини тотган ҳар бир мусулмон Рамазондан кейин орқага тисарилмайди.

Рамазон: тавфиқ ва ҳидоят ойдир. Бу ойда ҳозир бўлиб, рўза тутган ҳар бир инсон қалбида иймон жўш ўради. Рўзадор масжидда жамоат билан бирга намоз ўқийди. Ўзига ўхшаш рўзадор биродарларига ифторлик беради. Жойи келса садақа –эҳсон чиқаради. Иймони зиёда бўлган сари яхшилик ва эзгуликларга ружуъ қилади. Рўзадорга иймони сурур бағишлайди. Иймон эса амални тақозо қилади.

Рамазон рўзасини тутиш иймондандир. Демак, ҳеч биримиз Худо хоҳласа бир кун келиб намоз ўқийман, рўза тутаман, у қиламан, бу қиламан деб яхши амалларни пайсалга солмайлик, аксинча барча тоат ибодатларни дарҳол қилишга шошилалик. Энг катта тижорат учун энг

шимарайлик. Ана шунда қалбдаги иймонимизни амалларимиз ила тасдиқлаган ҳақиқий мўмин-мусулмон ҳисобланамиз.

Ўтмиш уламоларимиздан бири Ҳасан Ал-Басрий роҳимаҳуллоҳ: Иймон орзу қилиш ёки зийнатланиш эмас, балки у қалб (тўри) да ўрнашиб, уни амал тасдиқ этган нарсадир-деганлар.

Рамазон дуо ойдир. Бу муборак ойда Парвардигориолам дуогўйлар дуосини ижобат қилишни ваъда бериб рўза оятида бундай деди: *﴿Бандаларим сиздан (эй Муҳаммад) Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижобат қиламан﴾.*

Рамазон ҳар бир шахсни маънан ва руҳан тарбиялайдиган муборак тарбия ойдир.

Улуғ Рамазон ойида рўзани холис Оллоҳ розилиги учун тутган рўзадор ғийбат, ёлғон, бухтон, судхўрлик, порахўрлик ва ҳақозо гуноҳлардан ўзини тияди. Ўтмишда билиб-билмай йўл қўйган гуноҳлари учун Оллоҳдан мағфират тилайди.

Рамазон инфоқ ва эҳсон ойдир. Муборак Рамазон ойида мусулмонлар камбағаллик ва очликдан кўрқмас довюрақларга айланади. Бу санокли муборак, файзу барокатли меҳмон кунлар қадрига етган ҳар бир мусулмон қисқа вақт катта ажру савоблар касб этишга енг шимаради. Келаси йили бу меҳмонни яна кўрадимиз, йўқми бу Оллоҳга аён. Бугун Рамазон бизга меҳмон, биз эса аслида дунёда

меҳмонмиз. Буни англаб етган ҳар бир иймонли рўзадор имкон қадар муҳтожларга кўмак беради. Бой-бадавлатларга дилхушлик қилади. Бировга қилган яхшиликларини миннат ва озор билан беҳуда қиладиган риё ва таъмалардан узоқ юради.

Салафи солиҳларимиз Рамазон охирласа ғам–қайғуга ботардилар. Рамазонда бақадриҳол бажарган ожизона тоат-ибодатларини Оллоҳдан Ўз даргоҳида қабул этишини ўтиниб сўрардилар. Ажал Оллоҳнинг қўлида. Шу боис, мўмин киши кейинги Рамазон рўза тутарман ёки келаси йили инфоқ-эҳсон қиламан, деб пайсалламайди. Салафи солиҳларимиз Рамазондан кейинги олти ой асносида Оллоҳдан Рамазонда бажо этган ибодатларини Ўз даргоҳида қабул қилишини, кейинги олти ойда эса келаси Рамазонга соғ-саломат етказишини сўрардилар. Лўнда қилиб айтганда: тавба ва мағфират ойи бўлмиш Рамазон ойи айрилиғи салафи солиҳларимизга жуда оғир кечарди.

Ибн Ражаб Ҳанбалий роҳимаҳуллоҳ Рамазон охирласа шундай деб оҳу воҳ қилардилар: "Эй Рамазон, шошилмагин, раҳм қилгин! Ошиқлар кўзи ёшга тўлиб, айрилиқ алаmidан қалблари ёрилмоқда. Видолашув соати шояд иштиёқ ўтини ўчирса. Тавба соатлари Рамазон йиртиқларини шояд ямай олса. Ажабмас, шу соатларда барча рўзадорлар рўзаси қабул қилинганлар сафига қўшилса. Шояд, гуноҳлар асири бўлганлар озод қилиниб, дўзахилар дўзахдан озод этилса.

Шоядки, шоядки, мана шу эзгуликларнинг ҳаммасига айрилиқ кундан бурун етиб, синиқларимиз битиб, хатогарлар тўғри йўлга кирса ва бахтсизлар бахтли бўлса".

Рамазон намозу рўза, тавба мағфират, эҳсон ва тарбият оидир.

Ана шундай муборак ойдан кейин тоат ибодатни тарк қилиш, бу улуғ ойдан самарасиз чиққанлик аломатидир. Рамазон ойида кўп-кўп ибодатлар қилиб, рўза тутиб, Рамазондан сўнг ибодатдан бутунлай узулиш жаноб Росулulloҳ ﷺ нинг тоат ибодатларнинг энг суюклиси оз бўлсада, давомлиси бўлганидир деган ҳадисларига бутунлай хилофдир. Суннати росулulloҳга қарши чиқишдир.

Тоат ибодатнинг доимий равишда бажарилиш шартлигига энг катта далил намоздир. Намоз бир кеча кундузда беш вақт ўқилади. Рамазон ойида рўза тутиб, таровеҳ намозларида соатлаб турган киши, Рамазондан кейин келаси Рамазонгача намози ва рўзаси билан видолашадиган бўлса, у вақтда у Рамазончилардан бўлиб қолади.

Рамазончилар кимлар? Рамазончилар Оллоҳ таолони фақат Рамазон ойида танийдиган, намоз ва рўза каби ибодатларни фақат Рамазондагина бажарадиганлардир. Рамазончилар нафақат рўза савобидан, балки (Оллоҳ сақласин) Оллоҳнинг раҳматидан ҳам маҳрум бўлиб қолишлари мумкин. Чунки Рамазончиларнинг лисони ҳоллари: биз Оллоҳ таолодан фақат Рамазон ойида кўрқамиз, Унга Рамазондагина ибодат қиламиз. Уни

Рамазонда Ҳақ таоло деб эътироф этамиз. Бошқа ойларда биз билан Худонинг, Худо билан бизнинг ишимиз йўқ. Йўқса, нега Рамазондан кейин ибодатда давом этмайдилар?!

Оллоҳ барчани ҳидоятдан кейин залолатга кетишдан сақласин!

Абу Ҳурайра رضي الله عنه дедилар: *Пайғамбар صلى الله عليه وسلم минбарга чиқиб уч бор "Амин"- дедилар. Шунда саҳобалар у зотдан: эй Росуллоллоҳ, минбарга чиққан пайтингиз уч бор "Амин" – дедингиз, бунини боиси недур? – дейишди. Росуллоллоҳ صلى الله عليه وسلم айтдилар: Худди шундай. Ҳузуримга Жаброил келиб Рамазон ойи рўзасини тутиб гуноҳлари мағфират қилинмаган кимсани Оллоҳ Ўз раҳматидан йироқ қилсин!- деб, менга "Амин" денг! – деган эди, мен амин - Илоҳим шундай бўлсин!- дедим. (Инб Ҳиббон ривояти).*

* * *

Рамазон ҳайити

Ислом динида икки шаръий ҳайит-байрам бор. Рамазон ва Қурбон ҳайитидир.

Бу икки ҳайитда ҳақиқий мусулмонлар шод-хуррам бўладилар. Бу икки байрамни мусулмонлар бошқа миллатларга ўхшаб маъсият ва фиқу-фужурлик билан эмас, аксинча тоат ибодат билан қаршилайдилар ва тоат-ибодатлар билан ўтказадилар. Ҳар икки ҳайитда ҳам мусулмонлар жамоат бўлиб ҳайит намозини ўқийдилар. Бир-бирларини ҳайит билан муборакбод этадилар.

Бу икки байрамда мусулмонларни бою-камбағаллари юзи табассум, қалбилари сурур, устилари эса гўзал ва тоза либос ила зийнатланади.

Рамазон сўнгида барча мусулмонлар фитр рўза чиқарадилар. Бу бир тамондан Рамазон байрамида камбағал – бечоралар маънавиятини кўтариш бўлса, яна бир тамондан; Рамазонда қўйилган камчилик ва нуқсонлари учун каффаротдир.

Оллоҳ жалла жалалуҳ барчамизга тоат-ибодатда Рамазон рўзасини узоқ йиллар тутиб юришимиз учун узоқ умрлар берсин! У зотга рўпара бўладиган кунда бизларни Ўз раҳматидан маҳрум қилмасин! Амин!